

ТОНГОТАРДА ЭГИЗ БОЛҚАР...

Кунни кеча республика Фанлар академиясида буюк қозоқ оқиб Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб илмий конференция ўтказилди. Шу муносабат билан ЎзФА Президент вазифасини бажарувчи, академик Жура Абдуллаев мухбиримиз куйидагиларни сузлаб берди.

Бу илмий конференция Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан қуйилган шу куннинг долзарб вазифаси — Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш ғояси барча илмий-ижодий зиёлилар, бутун жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётган бир вақтда ўтди. Конференция жараёнида отабоболаримиздан табаррук мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклаш ва халқларимиз қалбига пайванд этиш ҳаракати янгидан фаоллашди, деб ишонамиз. Чунки Абайнинг бутун ижодий фаолияти ва адабий мероси азал-азалдан халқларимизнинг қон-қонига сингиб кетган бирлик, ҳам-жиҳатлик, биргаликда яшаш ва ишлаш, ўзаро тотувлик, бир-биридан ўрганиш ва ургатиш ғояларининг бамисоли бир уммонидир, ёшларимиз қалбида шундай туйғуларни камол топтиришнинг узига хос ибрат мактабидир.

Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абай ўзининг ўлмас ижоди билан қозоқ ёзма адабиётига асос солди, узидан катта, улуғ замондошлари Чўқон Валихонов, Ибрай Олтинсарин бошлаган маърифатпарварлик ғояларини изчил давом эттирди, ёшлигиданоқ даврига нисбатан жуда юқори билим олди. Шарқ ва Ғарб адабиётини пухта ўрганди, Арасту, Сукрот, Афлотун, Фаробий, Гегель фалсафасидан баҳраманд бўлди.

Бир томондан, чоризм истилоси, иккинчи томондан, феодал бош-бошдоқлик авж олган, мамлакатда ўзаро келишмовчиликлар кучайган бир шароитда Абайнинг илм-маърифат орқали жамият камолотига эришиши мумкинлиги ғояларини тарғиб қилиши жуда ҳам илғор ҳодиса эди. 19 ёшида ёзган «Алифбо» шеъри билан бошланган бундай ғояларни куйлаш улуғ шоирнинг бутун ижоди буйи давом этди.

Абай муҳаббат, меҳр-оқибат, севги-садоқат, дўстликни куйловчи улуғ шоирдир. «Эй муҳаббат, эй дўстлик», «Қиз сўзи», «Йигит сўзи» каби асарлари қозоқ овулларида жуда кенг тарқалди ва шоирнинг шуҳратини жуда олис-олисларга ёйди.

Абай — улуғ мутафаккир ва файласуф адибдир. Унинг

44 ибратли ҳикоядан иборат «Ақлия сузлар» номли турки асарлари фалсафий фикр тараққиётида катта урин туғди. Унда мутафаккир адиб ибратомуз ҳикояни баён қилиш орқали жиддий ижтимоий-тарбиявий масалаларни кун тартибига қуйди. Бу билан Абай ўз халқини ёрликка, маърифатга, ҳунарқасб эгаллашга, меҳнатга, эришканга, узга ривожланган мамлакатлар ва халқлардан ибтиҳо олишга, бирликка, тотувликка ундади. Бу — мамлакат халқини жиҳатдан инқирозга юз қўйган XIX аср шароитида улкан жасорат эди.

Абай асарлари Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Бунини қувонч билан қайд қиламизки, унинг нисбатан кўп асарлар тўплами 1922 йили Тошкентда нашр этилган эди. Шундан бери унинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиб келиб бормоқда. Шоирнинг 100, 150 йиллик юбилейлари республикада кенг нишонланган.

Шу йилнинг август ойида Абай туғилган кунга 150 йил тулади. Шу муносабат билан ЮНЕСКО 1995 йилни «Абай йили» деб эълон қилди. Қозоқ халқининг улуғ фарзандига дунё жамоатчилиги ҳурматининг исботидир. Абайнинг 150 йиллиги катта байрам сифатида Ўзбекистонда ҳам ҳозирданоқ кенг нишонланмоқда. Уқув юртларида, илмий ва меҳнат жамоаларида илмий конференциялар, субатлар, тантанали учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Мазкур илмий конференция ҳам шундай тадбирларнинг биринчиси. Шубҳа йўқки, тинглаган илмий маърузалар улуғ шоир ва мутафаккир ижодининг айрим томонларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди ва уларни абайшуноҳликка қўшилган муносиб ҳисса сифатида баҳолаш лозим.

Улуғ мутафаккир ва адиб Абай Қўнонбоевга бағишланган ушбу конференция Абай меросини бирга ўрганиш ва тарғиб қилиш билан бирга халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлайдиган омил бўлишига ишончимиз комил. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги кунлари Алмати Санъат саройида тантанали мажлисда Президентларимизнинг ўзбек ва қозоқ халқлари бирдамлигини қон-қардошлигини янада ривожлантириш ҳақида айтилган орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.